



**Байрамингиз муборак бўлсин,  
мунис онахонлар, азиз опа-сингиллар!**



# ТЕМИРҲО‘ЛЧНИ

**Temir yo‘llar  
mamlakatimiz  
iqtisodiyoti-  
ning qon  
tomiridir.**

Gazeta 1933-yildan  
chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 5-mart • payshanba • № 9 (6589)

**БАЙРАМ ТАБРИГИ**

**АЗИЗ ВА МУХТАРАМА ОНАХОНЛАР,  
ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР, ҲУРМАТЛИ  
ҲАМКАСАБАЛАР!**

Сиз, азизларни юртимизга баҳорнинг илиқ нафаси билан кириб келган нафосат ва гўзаллик тимсоли бўлган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан сამимий муборакбод этамиз!

Оила ва жамиятнинг мустақкам таянчи, ҳаётимизга файз ва латофат бағишловчи Сиз, азиз хотин-қизларни улуглаш, сизларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азалий ва муқаддас қадрият ҳисобланади. Сизлар бор экансиз, турмушимиз мазмун ва маънога тўлади, хонадонларимиз эса ободлик ва нурга бурканади.

Сизларнинг меҳнатингиз, садоқатингиз ва фидокорона хизматларингиз туфайли ҳар бир оилادا, жамиятда, юртимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонлик таъминланмоқда.

Бугун мамлакатимизда мухтарам Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган янги тараққиёт йўлида, Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессансни барпо этиш каби улугвор вазифаларни амалга оширишда қўлга киритилаётган катта ютуқлар ва муваффақиятларда ҳар бирингизнинг беқиёс ҳиссангиз борлигидан гурурланамиз.

Шунингдек, темир йўл соҳасида олиб борилаётган туб ислохотларга алоҳида эътибор билан ёндашиб, соҳамизни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган фидокорона меҳнатларингизни чуқур мамнуният билан эътироф этамиз.

Жорий йил Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да ҳар бирингиз тажрибали, малакали мутахассис, меҳрибон она, ғамхўр опа-сингил, замонавий билим ва тафаккурга эга аёл сифатида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар тарафлама тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшасиз деб ишонамиз.

Азиз опа-сингиллар!  
Барчангизни юртимизда кенг нишонланаётган бетакорор айём, нафосат ва гўзаллик байрами билан яна бир бор табриклаймиз.

Эл-юрт фаровонлиги, оилалар ободлиги, темир йўл тараққиёти йўлида олиб бораётган ишларингизга ривож, омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Оилангиздан хотиржамлик, тинчлик, файзу тароват аримасин!

Байрамингиз муборак бўлсин!

Чексиз эҳтиром ва ҳурмат билан

**З.НАРЗУЛЛАЕВ,  
“Ўзбекистон темир йўллари”  
акциядорлик жамияти бошқаруви раиси**

**Қ.САБИРОВ,  
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари  
касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси**

## ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ТЕМИРҲО‘ЛЧИ ОПА-СИНГИЛЛАР!

БАҲОР ҲАҚИДАГИ БАЙРАМОНА  
ТАРОВАТИ БИЛАН  
ХУШНАФАСДИР. БАҲОР КЕЛИШИ  
БИЛАН АТРОФИМИЗДА  
КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ ҲУКМ  
СУРАДИ. БАРЧАМИЗГА  
МАЪЛУМКИ, БАҲОРНИНГ  
ИЛК КУНЛАРИДА ГЎЗАЛ ВА  
МЎЪТАБАР АЁЛЛАРИМИЗ  
БАЙРАМИ – 8 МАРТ – ХАЛҚАРО  
ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ КЕНГ  
ДОИРАДА НИШОНЛанади.  
БУ КУННИ КАТТА ТАНТАНАЛАР  
БИЛАН НИШОНЛАШ  
ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАР ОРАСИДА  
ҲАМ АНЪАНА ТУСИНИ ОЛГАН.

Таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз ва темир йўл тизими томонидан темирйўлчи хотин-қизлар меҳнати ҳамisha юксак қадрланиб келинади. Уларга ҳар йили ушбу байрам муносабати билан катта эҳтиром кўрсатилади, моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Жорий йил ҳам ушбу анъана давом эттирилиб, байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлаш мақсад қилинган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг “Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бир марталик мукофотлаш бўлимида”ги буйруғига асосан соҳада меҳнат қилаётган 11 минг 65 нафар темирйўлчи



*Бир ҳақиқат аёнки,  
ҳар қандай халқ-  
нинг маънавий да-  
ражасини аввало  
шу юрт аёллари-  
нинг маънавий са-  
вияси белгилайди.*

**Шавкат МИРЗИЕВ**

**Шавкат МИРЗИЕВ**

опа-сингилларимизнинг ҳар бирига бир марталик мукофот пули – бир миллион сўм билан тақдирланишди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, минтақавий темир йўл узеллари ҳамда тармоқ корхоналарида, тиббиёт муассасаларида аёллар байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш, маданий тадбирлар ташкил

этиш, темир йўл транспорти соҳасидаги энг илғор, обрўли, ибратли ва фидойи, юксак маънавиятли, оилادا ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган корхона ва муассаса нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган ташаббускор темирйўлчи хотин-қизлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъмин-

ланган, эҳтиёжманд аёлларни тақдирлаш режалаштирилган. Жойларда “Касбидан измат топганлар”, “Темир йўл фидойиси”, “Темир йўлда бахт топганлар” ҳамда “Меҳрим сизга устозлар” каби мавзуларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Яқинлашиб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни барчангизга муборак

бўлсин, азиз темирйўлчи опа-сингиллар! Сизларга оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилаймиз. Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардоғида бўлиш ҳаммангизга насиб этсин! Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

**Рустам ҲАЙДАРОВ**

**ЖАРАЁН**

**БОШҚАРУВ РАИСИ “ҒАЛАБА” СТАНЦИЯСИДАГИ  
ШАРОИТЛАР БИЛАН ТАНИШДИ**

Афғонистон давлатидан юкланаётган юкларни темир йўл транспорти орқали ташиш жараёнини янада такомиллаштириш, ортиқча харажатларни қисқартириш, вақт тежамкорлигини таъминлаш ҳамда темир йўл ташувларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали “Ғалаба” станцияси кўриги паркида замонавий талабларга жавоб берадиган Божхона кўриги пунктини ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 26 февраль кун мазкур ҳудудда амалга оширилаётган ишлар “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев,

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси раиси А.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари қўмондони С.Хусановлар иштирокида ўрганилди.

Ташриф давомида божхона кўриги пунктини замон талаблари асосида таъмирлаш, зарур техник ва муҳандислик жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш, иш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан масъул ташкилотлар ва раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

Мазкур лойиҳа юк ташиш жараёнларини соддалаштириш, божхона расмийлаштируви вақтини қисқартириш ва халқаро темир йўл ташувлари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 329-сонли қарори ижросини таъминлаш учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан соҳада йўловчи ташиш йўналишини янада ривожлантириш, аҳолига ҳар томонлама қўлай шароитларни яратиш мақсадида тизимга замонавий технологияларни жорий этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

**ПРЕСС-ТУР**

### ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



2026 йил 27 февраль кун оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган пресс-турда журналистларга “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамиятининг “Йўловчи вагонларини техник ва технологик тайёрлаш, таъмирлаш” филиалида “Шарқ” йўловчи поезди таркибига

янги ва замонавий турдаги йўловчи вагонлари харид қилинган ҳамда ушбу вагонларда йўловчилар учун қатор қўлайликлар мавжудлиги кўрсатилди. 2026-2030 йиллар мобайнида “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарила-



диган 200 та янги замонавий йўловчи вагонларини сотиб олиш режалаштирилган. Унга кўра, ҳар йили 40 та вагон етказиб бериш кўзда тутилган. Шундан бу йилнинг ҳозирги ҳолатига кўра 5 та вагон етказиб берилди.

“Шарқ” йўловчи поезди учун сотиб олинган янги вагонларда ўриндиқлар йўловчи хоҳишига қараб ҳар икки йўналиш бўйича бурилади, иситиш ва совитиш тизими узлуксиз ишлайди.

Давоми 2-бетда



**С п р а з д н и к о м , д о р о г и е ж е н и ц и н и !**



«Давоми. Бошланғи 1-бетда»

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Тошкент – Урганч ҳамда Тошкент – Қўнғирот йўналишларида ҳаракатланувчи янги поездлар имкониятлари ҳам медиа-тур иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Йўловчи поездлари паркинни янгилаш мақсадида 51 донга янги замонавий турдаги йўловчи вагонлари харид қилинганлиги айтиб ўтилди. Жамият таркибида ҳаракатланувчи йўловчи поездларида хизмат сифатини яхшилаш учун 70 тадан зиёд вагон совитиш тизими билан қайта жиҳозланди ва тўлиқ таъмирланди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари йўловчи вагонларини рейсга тайёрлашни ҳам кўздан кечиришти. Вагонларни юзиш жараёни, корхона ҳудудида чойшаб, ёстиқ ва матрасларни тайёрлаш цехларидаги фаолиятни ҳам ўрганишти.

Шундан сўнг “Тошкент-шимолий” вокзалда сўнгги йилларда йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан таништи. Журналистларга “Ўзтемирийўлўловчи” акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган “Йўловчи ташишни бошқаришнинг автоматлаштирилган миллий (Сарбон) тизими” ҳақида маълумот берилди. Ушбу янги – “Сарбон” тизимини 5 босқичда ишлаб чиқиш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 4-босқич техник ишлари якунига етказилди. “Сарбон” тизими орқали барча йўловчиларга QR кодли чипталарни сотиш имконияти ҳам жорий этилди. QR кодли чипталарни назорат қилиш учун барча темир йўл вокзалларига босқичма-босқич махсус турни-



кетлар ўрнатиш режалаштирилган. Бугунги кунда улар “Тошкент-шимолий” вокзалда тест режимида ўрнатилиб, фаол ҳолатда ишламоқда. Вокзалдаги яна бир янгилик – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6079-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзтемирийўлўловчи” акциядорлик жамияти томонидан барча амалиётлар рақамлаштириш тизимига ўтказилмоқда.

Хусусан, чипталарни онлайн тарзда харид қилишни юқори кўр-

саткичларга олиб чиқиш ва йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида барча вокзал ҳудудларида инфокиосклар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур инфокиоскларни жорий этишдан асосий мақсад – йўловчиларга замон талабларига жавоб берадиган янги тизим доирасида рақамли хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Инфокиосклар сони кўпайтирилиши орқали навбатлар қисқаради ва вақт тежаланади. Айниқса, йўловчилар гавжум соатларда – байрам ва таътиллار ёки иш вақтидан кейин бундай тизим жуда самарали ҳисобланади. Бу эса хизмат кўрсатиш сифатини янада оширади.

Инфокиосклар реал вақт режимида маълумот тақдим этади. Йўловчилар поезд жадвалидаги ўзгаришлар, мавжуд жойлар, нархлар ва махсус таклифлар ҳақида дарҳол хабар топиши мумкин. Бу орқали йўловчиларда ишонч ва қониқ даражаси ошади. Инфокиосклар куну тун, яъни 24/7 режимида ишлайди, бу фойдаланувчиларга ҳатто кечқурун ёки эрта тонгда ҳам чипта харид қилиш имконини беради. Бу эса анъанавий чиптахоналарнинг иш вақти чекловларига таъсир кўрсатмайди.

Бугунги кунда “Ўзтемирийўлўловчи” акциядорлик жамияти томонидан чиптахоналарга ўрнатиш учун жами 53 та инфокиоск харид қилинган бўлиб, талаблардан ке-

либ чиққан ҳолда республика бўйича тақсимланган.

“Ўзтемирийўлўловчи” акциядорлик жамияти томонидан 2015 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб “eticket.uzrailway.uz” веб-сайти орқали электрон тарзда чипталарни сотиш тизими йўлга қўйилган эди. Мазкур тизим ишга туширилгандан буён йўловчи поездларига онлайн тарзда чипталарни сотиш кўрсаткичлари 2025 йил декабрь ойига қадар (ойлик) 86 фоизни ташкил қилди.

2025 йил ҳамда 2026 йил ўтган даври мобайнида “Тошкент-шимолий” ва бошқа вокзалларда йўловчилар учун қуйидаги қулайликлар яратилди:

- мавжуд барча вокзалларда йўловчиларни кузатиб келувчи ҳамроҳларига темир йўл вокзалининг перрон ҳудудигача бемалол ҳеч қандай ҳужжатларсиз кириш имконияти;
- вокзал ҳудудида қатор автотураргоҳлар ҳамда автомашиналар вокзалининг кириш эшиги ҳудудигача ҳаракатлана олиши жорий этилди;
- Wi-fi хизмати;
- “Тошкент-марказий” вокзалда барча турдаги саёҳатчиларга мос бўлган турли ҳудудлар;
- кутиб заллари: йўловчилар учун қулай зал, VIP-зал, ресторан



ва лаунж қайта таъмирланди;

- оилавий ҳудудлар: болалар ўйин майдончаси, кафе ва ёш болали ота-оналар учун хоналар янги дизайнда ташкил этилди;
- технологик хизмат кўрсатиш: поездлар ҳақида тезкор маълумот берувчи электрон таблолар ва замонавий терминаллар сони кўпайтирилди;
- вокзалда чипта харид қилишни афзал кўрувчилар учун эса кассирларсиз чипталарни мустақил расмийлаштириш имконини берувчи рақамли инфокиосклар ўрнатилди.

Бу вақтни тежайди ва навбатда туриш заруратини бартараф этади.

- йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида эскалатор қурилмаси ўрнатилди ҳамда ҳозирги кунда Самарқанд вокзалида ҳам ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда;

2025 йилнинг февраль ойидан бошлаб йўловчилар ўртасида кўрсатилаётган хизматларни баҳолаш ҳамда таклиф ёки эътирозларини билдиришлари учун ҳар бир йўловчи вагонларига ҳамда темир йўл вокзалларига махсус QR кодли стикер тизими жорий қилинган бўлиб, бунда исталган йўловчи ушбу QR кодли стикернинг телефон камераси орқали сканерлаб, жамиятга қарашли бўлган телеграм-ботга мурожаат йўллаш имконияти яратилди.

Ушбу бот орқали йўловчи томонидан юборилган мурожаат шу заҳоти жамиятнинг телеграм саҳифасига келиб тушади ва жамият раҳбарияти томонидан тезкор тарзда кўриб чиқилади. Масъул мутахассислар мурожаатчи билан дарҳол боғланиб, муаммо ёки камчиликлар бартараф этилмоқда.

Журналистлар пресс-тур давомида вокзал ва поездларда кўрсатилаётган хизматлар бўйича йўловчилар фикрлари билан ҳам танишиб, интервьюлар олишти.

Рустам ҲАЙДАРОВ

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

### ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМДА ЮРТИМИЗДА 15 ФЕВРАЛДАН 15 МАРТГА ҚАДАР ЎТКАЗИЛАЁТГАН “АЁЛЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ОЙЛИГИ” ДОИРАСИДА “ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ РАҲБАРИАТИ ВА ҲУДУДИЙ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН 27-28 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ УЗЕЛ МИҚЁСИДА “ХОТИН-ҚИЗЛАР ФОРУМИ” ЮҚОРИ САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, уларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда тизимда самарали меҳнат қилаётган аёлларни муносиб рағбатлантиришдан иборат бўлди.

Форумнинг биринчи кунинда темир йўл тизимида фаолият юритаётган хотин-қизлар иштирокида мазмунли семинар-тренинг ўтказилди. Унда

иштирокчиларга етакчилик фазилатларини шакллантириш, жамоада самарали мулоқот олиб бориш, касбий маҳоратини ошириш ва шахсий ривожланишга доир муҳим тавсиялар берилди. Амалий машғулотлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирнинг иккинчи кунинда иштирокчилар учун Самарқанд шаҳрига маърифий саёҳат ташкил этилди. Саёҳат давомида улар юртимизнинг бетақор тарихий мероси, қадимий обидалари билан яқиндан танишиб, бой маънавий таассуротларга эга бўлдилар.

Ушбу форум хотин-қизларга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.



## ЛОКОМОТИВ ПАРКИ ЯНГИЛАНМОҚДА

“Қўқон” локомотив депоси филиалида ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва ҳаракат хавфсизлигини мустақамлаш мақсадида 2 та янги электровоз қабул қилиб олинди.

### “ҚЎҚОН” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИГА ЯНГИ ЭЛЕКТРОВОЗЛАР ТОПШИРИЛДИ



Мазкур тадбир муносабати билан “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжанов ҳамда Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ш.Туляганов бошчилигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда янги электровозлардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш сифати, эксплуатацияда интизомга риоя этиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, масъул мутахассисларга аниқ вазифалар юклатилиб, топшириқлар ижроси қатъий назоратга олиниши таъкидланди.

Тадбир якунида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Қўқон” локомотив депоси ҳудудида ободонлаштириш ва экологик муҳитни яхшилаш мақсадида янги мевали ва манзарали кўчатлар экилди.



# ҚАЛБИ БАҲОР, МЕҲНАТИ ШАРАФЛИ АЁЛЛАР!

БУГУНГИ КУНДА ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА МЕҲНАТ ҚИЛИБ, ТИЗИМДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАРГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ТАШАБУСКОР, ИЖОДКОР ВА ИШБИЛАРМОН ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ЮҚОРИ САЛОҲИЯТИ ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ БИЛАН БАРЧАГА НАМУНА БЎЛАЁТГАН БУ АЁЛЛАР ЎЗ КАСБИДАН ФАХРЛАНАДИЛАР.



## ТАШАБУСКОР АЁЛ

Фаолиятини тикувчиликдан бошлаб, турли соҳаларда тажриба орттирган Феруза Юлдашева ҳозирда "Тошкент йуловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи" акциядорлик жамиятининг вагон кузовини бўяш бўлимида 4-даражали бўёқчи бўлиб ишлайди. У вагонларнинг ички ва ташқи қисмларини махсус технология асосида бўяшга масъул. Феруза вагон кузови ва деталларини эски бўёқ ҳамда занглардан тозалайди, ёғсизлантиради ва пуркагич ёрдамида бир неча қават бўёқ суртади. Вагон қуригач, унга тегишли рақам ва белгиларни туширади. Шу билан бирга, у касабани уюшмаси фаоли сифатида ижтимоий тadbирларда ҳам жуда фаол.

## МАҲОРАТЛИ КРАН МАШИНИСТИ

Ҳатто баъзи эраклар ҳам журъат қилиши қийин бўлган улкан кранни Нарғиза Уринсафарова маҳорат билан бошқаради. У "Қуюв-механика заводи" акциядорлик жамиятида 5-даражали кўприксимон кран машинисти бўлиб ишлайди.

Нарғиза оғир металл деталлар ва тайёр конструкцияларни юқори аниқлик билан кўтариб, керакли жойга хавфсиз етказиши. Юқлари юк илувчи мосламалар ёрдамида тўғри илдирилишини ва хавфсиз туширилишини қатъий назорат қилади. Унинг бу фидокорона меҳнати жамоада юксак эътироф этилади.



## ЗАВОД ФАҲРИЙ ИШЧИСИ

Зухро Эргашова "Ўзтемирйўлмаштаъмир" акциядорлик жамиятида 6-даражали дефектоскопчи лавозимида фаолият юритади. У вагон ва тепловозларнинг ғилдирак жуфтликлари, подшипник ҳалқалари ва бошқа муҳим деталлардаги яширин нуқсонларни ультратовуш ҳамда магнит кукуни усуллари билан аниқлайди.

Зухро опа ўта мураккаб дефектоскопларни сошлаш ва диаграммалар бўйича асбобларнинг сезувчанлигини белгилаш борасида юқори малакага эга. Бугунги кунда у 25 нафардан ортиқ ёш мутахассисга устозлик қилмоқда. 2016 йилда "Завод фахрий ишчиси" унвони ва кўплаб фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

## ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Нигора Ботирова "Hyundai Rotem" юқори тезликда ҳаракатланувчи электр поездларига хизмат кўрсатувчи депо қурилишида алоҳида жонбозлик кўрсатган. Ҳозирда у "Тошкент механика заводи" акциядорлик жамиятида эмаль бўёқлари ва нитролоқлар билан ишловчи бўёқчи сифатида меҳнат қилмоқда.

У хлоровинил ва эпоксид каби ҳаво таъсирига чидамли бўёқлар билан ишлашда катта тажрибага эга. Нигора иш жараёнида ҳар бир агрегатнинг тузилишига қараб энг мос бўёқ турини танлайди ва сифатни биринчи ўринга қўяди.



## КАСБИДАН МИННАТДОР ТЕМИРЙЎЛЧИ

Шойиста Холова – ўз умрини темир йўлга бағишлаган ва танлаган касбидан мамнун аёллардан. У "Қоровулбозор" темир йўл бекати филиалининг вагонларни буглаб ювиш шохобчасида навбатчи бўлиб ишлайди.

Унинг вазифаси – вагонларни ювиш шохобчасига ҳаракат таркибини ўз вақтида ва хавфсиз қабул қилиш, поездларни шакллантириш ҳамда манёвр ишларини мувофиқлаштиришдан иборат. Шойиста опа вагонларни тормоз бошқоқлари билан маҳкамлашини текшириб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга масъулият билан ёндашади.



## 30 МИНГДАН ОРТИҚ ҚУРИЛМАЛАРНИ ТАЪМИРЛАГАН ЭЛЕКТРОМЕХАНИК

Жулдиз Аметованин темир йўл соҳасидаги шарафли меҳнатига бу йил 35 йил тўлди. У Қўнғирот сигналлаштириш ва алоқа масофаси филиалининг назорат ўлчов пунктида СМБ (сигналлаштириш, марказлаштириш ва блокировка) қурилмалари электромеханиги бўлиб ишлайди.

Жулдиз опа темир йўл назорат-ўлчов асбобларини таъмирлаш ва сошлашга масъул. Ўз фаолияти давомида у 30 мингдан ортиқ қурилмани техник кўриқдан ўтказиб, таъмирлаган ва соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



## ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ИШИДА ҲАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Дилафруз Абдураимова – "Термиз минтақавий темир йўл узели" филиалига қаршли "Қумқўрғон" станциясининг энг масъулиятли ходимларидан бири. У ҳужжатларга ишлов бериш оператори сифатида поезд машинистларидан ташиш ҳужжатларини қабул қилиб олади.

Ҳужжатлар солинган инкассатор сумкаларини қабул қилишда уларнинг бутлиги ва тамғасининг (печать) мос келишига алоҳида эътибор қаратади. Дилафруз станциядаги барча технологик жараёнларни: поездларнинг келиши ва жўнаши, вагонларга юк ортиш ва тушириш маълумотларини аниқ ва хатосиз ҳужжатлаштириб боради.



## 35 ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ТАЖРИБАСИ

Гулнора Носирова темир йўл соҳасидаги фаолиятини 1991 йилда Қарши алоқа ва ишорат масофасида бошлаган. Ҳозирги кунда у "Қарши минтақавий темир йўл узели" филиалида материаллар бўйича ҳисобчи лавозимида меҳнат қилмоқда.

Гулнора корхонанин мол-мулк ва ҳўжалик операцияларини юритиш, шунингдек, бўлимларнинг молиявий фаолиятини ҳўжатли тафтиш қилиш билан шуғулланади. У кирим қилинаётган товар-моддий бойликларнинг ҳисобда тўғри акс эттирилишини ва уларнинг ҳаракати бухгалтерия қоидаларига мос равишда ўз вақтида қайд этилишини таъминлайди. Шунингдек, корхона ходимларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи масалалари бўйича фаолиятини қатъий назорат қилиб келади.



## МАСЪУЛИЯТЛИ ЛАВОЗИМНИНГ МАЛАКАЛИ ОПЕРАТОРИ

Насиба Мингилбаева "Тошкент" станциясида юк кассири бўлиб ишламоқда. У станцияга келган ва жўнатилаётган вагонларнинг юк ҳўжатларини расмийлаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва кўрсатилган темир йўл хизматлари учун миқозлар билан ҳисоб-китоб қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек, у Тошкент технологик маркази орқали тўловларни қабул қилиш, юк эгалари томонидан тақдим этилган ҳўжатларнинг тўғрилигини текшириш ва уларни қайта ишлаш жараёнларига масъулдир.



Н.НУРМАТОВА тайёрлади





# МУНИС ВА ДИЛБАР ТЕМИРЙЎЛЧИ АЁЛЛАРИМИЗНИ САНЪАТКОРЛАР ҚУТЛАЙДИ

Баҳорнинг илк нафаси билан кириб келувчи 8 март байрами юртимизда алоҳида меҳр билан нишонланади. Зеро, аёл борки – ҳаёт гўзал ва мазмунли. Бугунги кунда масъулиятли темир йўл соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг ўрни беқиёс. Ушбу қутлуғ айём муносабати билан юртимизнинг таниқли санъаткорлари ўзларининг энг самимий тилаklarини айнан сиз, азиз ва муҳтарама аёллар учун изҳор этадилар.



**Отабек ТОЖИБОЕВ:**

– Сизлар борки, шукухга тўлар бу дунёнинг кўркам жамоли, Одам, олам шодликка кулар, Шарқнинг гули, ўзбек аёли.  
8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон темирйўлчиларининг барча лобар аёлларини чин дилдан муборакбод этамиз. Ҳақиқат соғ-омон бўлинг биз, эркаклар бахтига. Баҳорий гўзаллик ва чин аёллик бахти сизни ҳеч қачон тарқ этмасин.



**МУАССИСЛАР:**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

**Таҳрир кенгаши:**

Раматов А.Ж.  
Нарзуллаев З.Ф.  
Сабиров Қ.С.  
Юсупов Ж.З.  
Балтабаев А.А.

**Бош муҳаррир**  
Рустам ҲАЙДАРОВ

**Мусаҳҳиҳ –**  
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

**Саҳифаловчи –**  
Гулзода БОЛТАЕВА

**Фотомухбир –** Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.  
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)  
Қабулхона: (71) 236-48-92  
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди  
ISSN: 2181-6158

**Буюртма Г-334** Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6



**Раъно ЗОКИРОВА:**

– Азиз опа-сингиллар, темир йўл ходималари, латофатли ва гўзал сингилларимиз, қизларимиз! Бугунги гўзал Хотин-қизлар байрами билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман. Ҳар доим меҳр-мурувват билан яшанг, сизнинг кучингиз ва илҳомингиз бу дунёни ёрқин қилади. Сизларга чексиз бахт, соғлиқ ва орзу-умидларингиз амалга ошишини тилаб қоламан. Бугунги аёллар куни муборак бўлсин, азизларим!  
Мен сизларга узоқ умр тилайман, Ҳақдан “бандам” деган калима нур тилайман. Эркак чўнтагига қут-барака тилайман, Уйдаги фарзандига тўй-марака тилайман. Аёл жони гулдир, гул юрак тилайман, Ҳар байрамга ялтироқ янги кўйлак тилайман. Дустлар, ўзбекка монанд комил инсон бўлинг, Энди менга ижозат, сиз эса азизларим, омон бўлинг!



**Жавоҳир ЗОКИРОВ:**

– Барча азиз опа-сингилларни кириб келаётган байрам билан муборакбод этаман. Шарафли ва машаққатли касб эгалари бўлмиш темирйўлчи аёлларимизни ҳам ушбу кун билан чин юракдан самимий табриклаб қоламан. Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга омад ва зафарлар тилайман. Уйлаган барча орзу-ниятларингизга эришинг, ҳамма яхши тилаклар фақат сизлар учун. Аёлларни асранг, авайланг ва севинг!

**Шукрулло ИСРОИЛОВ:**

– Аввало янгиликлар, яшариш, уйғониш фасли баҳор айёми ва кириб келаётган 8 март байрами билан азиз аёлларимизни, опа-сингилларимизни чин юракдан табриклиман. Сизлар борсизларки, ҳаётимиз чиройли, файзли, баракали! Сизлар борсизларки, уйимиз саранжом-саришта. Шахсан ўзим ва оилам номидан барча “Ўзбекистон темир йўллари”да фаолият юритиб келаётган темирйўлчи аёлларимизни гўзаллик ва нафосат байрами, хотин-қизлар куни билан чин дилдан самимий муборакбод этаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Саломат бўлишга мажбурсизлар.



**Женисбек ПИЯЗОВ:**

– Ўзбекистондаги барча аёлларимизни чин юракдан 8 март байрами билан қутлайман. Бахтимизга оналаримиз, опа-сингилларимиз омон бўлсин. Элимиз тинч бўлсин! Аёлларимиз, оналаримиз бор экан, биз санъаткорлар ижод қилишдан тўхтамаймиз. Байрам муносабати билан энг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Азиз темирйўлчи аёллар, барчангизни байрам билан табриклиман!

Аваз ОМОНОВ тайёрлади.



**Гулчеҳра НОСИРОВА:**

– Мен темир йўл хизматидаги гўзал ва лобар опа-сингилларимизни баҳор байрами – 8 март билан табриклиман. Ҳақиқат соғ-саломат бўлинг. Баҳор гулларидек юзингиздан табассум ҳеч қачон аримасин. Байрамингиз муборак бўлсин!  
Мен сизларни гул десам – гулдан гўзалсиз, Мен сизларни дур десам – дурдан гўзалсиз. Муболага нима, минг сифат нечун, Сиз чиндан гўзалсиз, чиндан гўзалсиз.



**Алишер ОТАБОЕВ:**

– Азиз опа-сингиллар, онахонлар! Кириб келаётган 8 март байрами барчангизга муборак бўлсин. Сизларга ўзингиз орзу қилган бахтларни Яратгандан сўраб қоламан. Дунё-дунё бахт, соғлиқ-омонлик ва оилавий хотиржамлик тилайман. Бахтимизга доимо соғ бўлинглар! Айниқса, “Саломатлик поезди”да хизмат қилаётган шифокор опа-сингилларим – халқимиз саломатлиги йўлида ҳеч қачон чарчаманглар. Байрамингиз муборак бўлсин!

